
Замонавий күринишга келтирилган бино эгаларига топширилди
Юқори маҳалла фуқаролар йиғинида „Обод қишлоқ“ дастури асосида талайгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳудуддаги 16-мактаб бошланғич синф ўқувчилари ўқийдиган икки қаватли бино тұлық реконструкциядан чиқарилди. Бунинг учун бюджетдан 1 миллиард 300 миллион сүм маблағ сарфланды. Замонавий күринишга келтирилган бино эгаларига топширилди. Тадбирда 2-сектор раҳбари, туман ҳокимлиги мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари, нуронийлар қатнашдилар. Туман ХТБ мудири Фозилжон Юлдашев, сектор раҳбари Илхомжон Ходжаев бинонинг янгиланиши юртимизда ёш авлодга яратилаётган имконият ва шароитларни күриниши эканлигини таъкидладылар. Айни пайтда 11 та бошланғич синфлар таълим олаётган бино иссик, замон талабларига жавоб беради. Мекомонлар синф хоналарини айланишиб, бунга ўзлари гувоҳ бўлдилар. Кўзни қувнатадиган бинода болажонлар мазза қилиб ўқишади, энди. Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-11-14 12:15:17